

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2011
ФЕВРАЛЬ

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

Х.ҚОСИМОВ, М.АБДУОЛИМОВА

Гиперболик турдаги тенглама учун силжишли чегаравий масала ечимининг ягона
эмаслиги ҳақида 5

А.ЮСУПОВА

Олий математика фани бўйича оралиқ назоратларни тест шаклида ўтказишнинг
ўзига хос хусусиятлари 10

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

Р.РАСУЛОВ, М.МАМАТОВА, А.ЗОКИРОВ, И.ЭШБОЛТАЕВ

Электронларнинг гетероструктура потенциал тўсиғи орқали ўтишларида
резонансли туннелланиши 13

БИОЛОГИЯ, КИМЁ

М.АХМАДАЛИЕВ, И.ТУРДИБОЕВ

Том ёпқи махсулотлари ишлаб чиқариш муаммолари ва истиқболлари 16

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

П.БАРАТОВ, Н.СУЛТАНОВА

Тоғли Зарабшон водийсининг геоморфологик хусусиятлари ва террасалари 19

М.НАЗАРОВ, Р.АКБАРОВ

Тупроқни бойитишида биотик чиқиндилардан фойдаланишининг ўсимликлар
хосилдорлигига таъсири 24

Ижтимоий-туманинтар фанлар

ФАЛСАФА, СИЁСАТ, ТАРИХ

Т.АБДУЛЛАЕВ

Фалсафа фанининг долзарб муаммолари 29

Р.АРСЛОНЗОДА

Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги замон архив тизими 34

К.РАХИМОВ

Сополли маданияти металл эритиш хумдонлари 39

А.АБДУМАЛИКОВ

Фуқаролик жамиятини қуришда ахборот маданиятини шакллантиришининг ўрни ва
аҳамияти 44

АДАБИЁТШУНОСЛИК

А.САБИРДИНОВ, Д.КОМИЛОВА

Чўлпон ҳикояларида миллийлик 46

Г.МУҲАММАДЖОНОВА

Ижодкор образи талқини: муштараклик ва ўзига хослик (А.Қаҳҳорнинг “Сароб” ва
Жек Лондоннинг “Мартин Иден” романлари мисолида) 49

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.ҚАЛАНДАРОВ

Эвфемик маъно лисоний ва нолисоний омиллар қуршовида 53

УДК: 008.2

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ҚУРИШДА АХБОРОТ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛАНТИРИШНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

А.Абдумаликов

Аннотация

Ушбу мақолада фуқаролик жамиятини шакллантиришида информацион маданиятнига ўрни ва ахборот хуружалридан ҳимояланиш зарурити таҳлил қилинган.

Аннотация

В статье рассматриваются место и роль информационной культуры и необходимость защиты от информационных угроз в условиях формирования гражданского общества.

Annotation

In the article the role and significance of the information culture and the necessity of being protected from information attacks under citizenship forming conditions are considered.

Таянч сўз ва иборалар: фуқаролик жамияти, ахборот маданияти, информацион хуружлар, маънавий маданият, оммавий ахборот воситалари, фаровон жамият.

Ключевые слова и выражения: гражданское общество, информационная культура, информационные угрозы, духовная культура, средства массовой информации, процветающее общество.

Key words and expressions: citizenship, information culture, informational attacks, spiritual culture, mass media, prosperous society.

Бугунги кунда республиканинг ҳаёти мунтазам равишда ўзгариб, янги технологиялар билан бойиб бормоқда. Ўзбекистон аҳолисининг асосий қисми ўз ишини енгиллаштириш, кўнгил очиш, билим олиш ва уни мустаҳкамлаш учун технологик воситалардан фойдаланади. Ахборот технологияларнинг ривожланиши ҳар бир инсоннинг ахборот маданиятига эга бўлишни тақозо этмоқда. Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек “Хозирги пайтда ер юзининг қайси чеккасида қандай бир воқеа юз бермасин, одамзот бу ҳақда дунёning бошқа чеккасида зудлик билан хабар топиши ҳеч кимга сир эмас”[1.110].

Ахборот маданияти “маданиятшунослик” ва “ахбаротлашув”, ахборот бериш нуқтаи назаридан ёндашувни талаб қиласди. Маданиятшунослик асосида ахборот маданияти инсонни информацион жамиятида, ҳатто ҳаётий фаолияти, яъни турмуш тарзини ифодалаб, инсоният ахборот маданияти шаклланиши жараёнини ташкил қиласди. Информацион жараённинг асоси билимлар йиғиндиси, қобилият ва кўникма ҳосил қилиш, ахборот танлаш, таҳлил қилишни ва тарғибот қилиш назарда тутади. Демак, бу жараёнда ахборот

маданиятини юксалтиришга қаратилган ахборот фаолияти тушунилади. Информацион маданият масаласига ушбу нисбий ёндашув ҳозирги замон талабларига жавоб бермаслигини назарда тутмоқ керак. Шуни таъкидлаш жоизки, унинг информацион-ахборот маданиятини инсоният маданиятининг худуди, чегараси ёки бир бутун инсоният маданиятининг таркибий қисми сифатида ўрганилади ва натижада унинг яхлитлиги таъминланади. Бизнинг фикримизча, ахборот маданиятининг субектларини уч даражадага бўлиш мумкин. Булар:

- шахснинг ахборот маданияти;
- алоҳида гурухларнинг ахборот маданияти;
- умуман жамият ахборот маданияти.

Шунинг учун илмий тадқиқотларда ахборот маданиятини информацион ёндашиш асосида ўрганиш устувор бўлиб турибди. Чунки ушбу муаммо ўзини илмий жихатлари билан намоён бўлмоқда. Демак, шахснинг маънавий маданиятини тадқиқ этиш шахс қобилияти ва кўникмалари борасидаги билимларини ўстириб бориш, уларни ҳаёт талаблари билан узвий боғлиқлигини асослаш замирида олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Бунда шахснинг “ахборот маданияти”ни куйидаги ахлоқий мезонлар

А.Абдумаликов – ФарДУ фалсафа кафедраси катта илмий ходим-изланучиси.

ФАЛСАФА, СИЁСАТ, ТАРИХ

асосида кенг ва мазмунли ўрганиш мумкин бўлади:

– Янги ахборотни излаш маданияти. Шахс янги ахборот манбаларини топиш, сақлаш ва анализ қилишнинг ижодий-психологик қийинчиликларини англаган ҳолда, ахборот етишмовчилигини бартараф этади. Эски қараш ва андозалардан қутилади, ўзининг ахборот нуқтаи назарини эгаллайди, расмий ва норасмий ахборот тизимларидан ахлоқий мезонлар асосида фойдалана олади. Янги ахборот технологияси имкониятларини ўзлаштиради. Бу босқич ахборот маданиятини шаклланишида асосий роль ўйнайди;

– Ўқиш ва ахборотни қабул қилиш маданияти. Шахс бу борада замонавий текст-матнларда берилган маълумотларни ўзига ҳос хусусиятларини тушиниши ва ўрганилаётган йўналишга доир барча “хужжат турларини” таҳлил қилиши, улардан ахлоқий мезонлар асосида ижодий фойдалана олиши зарур бўлади;

– Шахс, аввало, ахборотни ҳар бир касбга доир билим олиш воситаси эканлигини англаб олиши лозим. Олинаётган билимларни эса ахборот маданиятидаги етишмовчиликни бартараф этувчи вақтингачалик вазифа деб билмаслиги керак. Бу ҳол ҳам ижодий, ҳам ахлоқий мезонларга зиддир;

– Жуда кенг ахборотлар оқимини компьютер технологияси ҳамда интелектуал меъёрий усуслар ёрдамида қайта ишлаш кўникмаларини ўзида шакллантиришда ахлоқий қадриятларнинг ўрни тобора ортиб бормоқда;

– Ҳар қандай меҳнат фаолиятида шахслараро касбий алоқанинг муҳимлигини тушуниш ва бунда касбий ахлоқ этикети нормаларига амал қилиш муҳимdir.

– Шахс учун бошқаларнинг нуқтаи назарига ва фикрига нисбатан сабрли бўлиши нафақат ўз билимини оширишига ёрдам беради, балки билим бериш фазилатларини ўзида тарбиялашида ҳам муҳим ахлоқий мезонлар ҳисобланади;

– Телекоммуникация алоқа каналларидан фойдаланган ҳолда ахборотларни билиш ва тарбиявий жиҳатларини тарғиб қилишда ахлоқий маданиятнинг ўрни муҳимdir ва ҳоказо.

Тадқиқотларда қайд этилганидек, ахборот маданияти кишиларни ахборотлашган ҳулқ-атворида номоён бўлади. Демак, шахснинг ахборот ҳулқ-атвори деганда билим олиши, уни ўзлаштириши ҳатто ҳаётга тадбиқ этиш учун қилган ҳаракат шакли, тиришқоқлигининг йиғиндиси назарда тутилади. Шахс янги билимлар олиш учунгина эмас, уларни бошқаларга узатиш, тарғиб қилиш, тарқатиш учун ҳам фаолият кўрсатади. Ахборот маданиятининг шахс камолотидаги ҳиссаси ахлоқий қадриятлар нуқтаи назаридан бунда яққол кўзга ташланади.

Ахборот бир томондан ҳулқ-атвор, иккинчи томондан, билимга интигуручи шахснинг фаоллигини акс эттиради. Уни ахборот маконида ўз ўрни ва жойини топа олиш қобилиятини билдиради. Учинчи томондан, шахснинг ахборотлашув ҳулқ-атвори жамиятда яратилган шартшароитлардан етук касб эгаси ва маданиятли, билимли шахс бўлиши учун интилишларини ифодалайди.

Хулоса қилиб айтганда, глобаллашув жараёнлари авж олган даврда шахснинг ахборот маданияти, ахлоқий нуқтаи назардан, унинг янги ахборотни ёки билимни ўз вақтида олиши, топиши, айни пайтда уни тўғри қабул қилиши ва кундалик ҳаётида самарали фойдаланиши билан боғлиқdir.

Адабиётлар:

- Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
- Абдуллаева М.Н.,Faфурова Г. Ўзбекистонда глобаллашув ва ахборотлашув жараёнларининг ўзига ҳос хусусиятлари. – Т.: NOSHIR 2008.
- Макбрайд У.Л. Политическая философия, один мир и гипердержковний патриотизм. “Вопросы философии”, 2004, № 6

(Тақризчи: Т.Абдуллаев, фалсафа фанлари доктори, профессор).